...композиторлар, жумладан ... Ўзбекистон ... хизмат кўрсатган артист. ... хитой, уйғур, қозоқ, қалмиқ, кирғиз, корейс ва бошқа халқларнинг

Ёш прозаиклар овози

Адабиётимизга йилдан-йилга умидли ёш шоирлар, адиблар ва драматурглар ўз мустақил овозлари билан кириб келмоқдалар. Бу ёш ижодкорларнинг биринчи асарларини ўқувчиларга етказишда айниқса «Ленин учқуни» газетаси муҳим роль ўйнамоқда.

Бошловчи ёзувчиларнинг «Ленин учқуни» саҳифаларида тез-тез кўзга ташланаётган ҳикояларида пионерлар ҳаётининг мактабдан ташқари кўпгина соҳалари қамраб олинаётир, муҳим ҳаётий масалалар ёритилаётир.

Газетанинг шу йилги сонларини кўздан кечирар экансиз, аввало ёш новеллист А. Мираҳмедовнинг «Қўли гул киши» ҳикоясини учратасиз. Бу ҳикоянинг ғоявий мазмуни «Йигит кишига етмиш ҳунар оз», «Ҳунар, ҳунардан унар» деган халқ мақолларини эслатади. Ҳикоя автори кўп ҳунар эгаси бўлишнинг катта аҳамиятини характерли фактларда кўрсатишга ҳамда совет гуманизми, халқлар дўстлиги идеясини акс эттиришга ҳаракат қилган.

Муҳим педагогик аҳамиятга эга бўлган бундай актуал масалалар рус ишчиси Фёдор Иванович билан Тургунлар оиласи ўртасидаги самимий дўстлик, ҳамкорлик муносабатлари тасвирида бир мунча дуруст ёритилган. Фёдор Иванович ўз камтарлиги, меҳнатсеварлиги ва инсонпарварлиги билан Тургунда унутилмас таассурот қолдиради. Тургуннинг қалбида шу киши каби яхши сифатлар эгаси бўлиб етишиш эрзуси кучаяди.

«Қўли гул киши» ҳикояси ёшларимиз орасида политехник таълимни кенг пропаганда қилишда, ёшларимизни меҳнатсеварлик, дўстлик, қардошлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

Бироқ асарда асосий ижобий қаҳрамон Фёдор Ивановичнинг турли-туман ҳунарларни қандай қилиб эгаллаганлиги кўрсатилмайди.

Бизнингча, қаҳрамоннинг ҳунар ўрганиш процесси ва шу процессда учраган қийинчиликларни енгишда кўрсатган матонати тасвирланиши зарур эди.

«Ленин учқуни» газетасида босилиб чиққан «Пилла қурти» (Т. Қосимова), «Бобик» (И. Қўчқортоев), «Сутчи ота» (А. Мираҳмедов) асарлари меҳнатсеварлик ғояси билан суғорилган, ўқувчиларда меҳнатга ва меҳнат илғорларига бўлган қизғин муҳаббатни чуқурлаштиришга қаратилган ҳикоялар жумласига киради.


Бу асарларнинг авторлари ўзларига хос ижодий манералар орқали ёшларимизнинг ўқишдан сўнгги вақтларидаги фаолиятини характерли деталларда кўрсатганлар. Уларда ҳар бир образга хос индивидуал характер ва сифатларни меҳнат процессида очиб беришга ва ривожлантириб боришга ҳаракат қилинган.

Бундай ижодий интилишнинг маълум ижобий самараси айниқса «Пилла қурти» ҳикоясида кўзга яққол ташланади. Ҳикояда пилла қуртини боқиш, парвариш қилишда ўқувчиларнинг кўрсатган жонбозлиги тасвирланади. «Пилла қурти»да яратилган ижобий қаҳрамонлар, фидокорона меҳнатининг асосий манбаи улар қалбидан мустаҳкам ўрин олган совет ватанпарварлиги туйғусидир.

«Пилла қурти», «Бобик», «Сутчи ота» ҳикояларида ўқувчиларнинг меҳнат фаолияти мактаб ҳаётидан ажралган ҳолда тасвирланади. Шунинг натижасида меҳнатсевар қаҳрамонларнинг қандай ўқиши ҳамда уларни янги ғалабаларга илҳомлантиришда мактаб маъмуриятининг роли кўринмайди.

«Бобик» ҳикоясида қўйилган муҳим масала енгил-елпи ҳал қилинган. Кузатилган мақсадга эришиш йўлидаги зўр қийинчиликлар ва бу қийинчиликларни енгиш учун чидам билан олиб борилган курашлар етарли ифодаланмаган. «Қўли гул киши», «Сутчи ота» ҳикояларининг баъзи ўринларида эса, авторлар муҳим деталларни етарли даражада образли ифодалай олмай, воқеаларни қуруқ баён қилиш, билан чекланганлар.

«Ленин учқуни»да босилиб чиққан «Хат» (Б. Ортиқов), «Қулупнай» (М. Миртожиев) ҳикояларини кичик газетхонлар қизиқиб ўқиганлиги шубҳасиз. Бу асарларда мавжуд характерли деталларда халқлар дўстлиги идеясининг ҳаётбахш куч-қудрати маълум даражада акс этган. Ўзбек қизи Саодатнинг Ҳиндистондаги қадрдон дугонасига зўр самимият билан хат ёзиши, синглиси Жажжининг кичкинтойлик шавқида тўлқинланиб, шу хат билан қулупнай ҳам совға қилиб юборилишини сўраши характерли деталдир. Бу факт орқали «Қулупнай» автори совет халқи билан ҳинд халқи ўртасида тобора мустаҳкамланаётган дўстлик, ҳамкорлик ғояларининг ёшларимиз онгига ҳам чуқур сингиб бораётганлигини тасвирлаган. Асарда хат ва қулупнай — қадрдонлик, қардошлик гуйғулари символи сифатида хизмат қилади. Агар Саодатнинг ҳиндистонлик қиз билан самимий дўстона муносабатини таъминлаган асосий факторлар ҳам кўрсатилса,



Қизлар рақс группаси уйғур халқ ўйинини ижро этмоқда.
Ф. Осипов фотолари.

Азиза САЙДХЎЖАЕВА.
Алишер Навоий номли Ўзбек Давлат опера ва балет театрининг солистқаси.

асарининг қиммати янада ошар эди.

«Хат» (Б. Ортиқов) ҳикоясида совет ўқувчилари ўртасида мавжуд ҳақиқий дўстлик алоқаларининг билимни пухта ўзлаштиришдаги роли тасвирланади. Аммо авваллари рус тили диктантидан ёмон баҳо олиб юрган Каримнинг отпускада пионерлар лагерида Коля билан яқиндан дўстона муносабатда бўлиши натижасида юқори баҳога эришиши масалаларнинг фақат бир томони, холос. Одатда ёзма ишдан пасспв бўлган ўқувчининг активлашувида ўқитувчининг консультацияпари, қўшимча дарс машғулотлари, ўқувчининг хусусий мутолаалари ва хусусий диктантлари ҳал қилувчи роль ўйнайди. Автор бундай муҳим масалаларни четлаб ўтиб, ўқувчиларнинг билим олиши масаласини бир томонлама, енгилдан ҳал қилган. М. Скрипник ўзининг «Эркин пионер» ҳикоясида шарафли пионерлик унвонига эга бўлган ўқувчининг хулқи-атвори, хатти-ҳаракатларидаги ижобий ўзгаришларини, шодлик туйғуларини тасвирлайди.

Бу ҳикоя ўқувчиларда пионер деган юксак номга нисбатан муҳаббатни оширишда аҳамиятга эга. Бу ҳикоянинг ғоявий мазмуни газетхонда шундай ҳақли савол туғдиради: Эркининг қандай фазилатлари унинг пионер бўлишини таъминлади? Ахир у пионер бўлмасдан аввал ёмон хусусиятларга эга бўлган бола эди-ку? Демак, пионер ташкилотининг ўқувчи характерини тарбиялашдаги роли очиб берилмаган. Ўқувчи характеридаги салбий хусусиятларнинг йўқолиши сабабларини фақат пионерликка ўтиш билан боғлаш (асарда шундай қилинган) масалага бир томонлама қарашдир.

Х. Қаюмовнинг «Ҳозир келаман» ҳикоясида қарама-қарши характерли икки ўқувчи образи (Ваҳоб, Ботир) яратилган ва бирига хос яхши сифатлар, иккинчисига хос ёмон сифатлар очиб берилган.

Автор баъзи одобсиз ўқувчиларнинг ўз қилмишлари билан ҳаётда қандай хижолатли, ноқулай вазиятларда қолишларини кўрсатиб, коммунистик ахлоқ принципларига амал қилишга чақиради.

«Кесилган тил» (М. Миртожиев), «Ким шундай деб ўйлабди» (Ю. Ковалев) ҳикояларида ҳам айрим қолоқ ўқувчилар характерида учрайдиган ёлғончилик, мақтанчоқлик каби ёмон сифатлар асар авторларининг ўзига хос бадиий воситаларида яққол тасвирланган.

Ўз кирдикорлари билан кўпчилик олдида шарманда бўлган Петя («Ким шундай деб ўйлабди») ва Тўхтамурод («Кесилган тил») ларнинг қиёфасини тасаввур қилган ўқувчилар кўнглида ёлғон сўзлашдан, ўринсиз мақтанишдан сақланиш, тўғри сўзли, камтар бўлиш истаги ошади.

Оилада тарбияси яхши йўлга қўйилмаган, ота-она назоратидан четда қолган баъзи ўқувчиларнинг пул кетидан қувиб, чайқовчилик ишларига берилиб кетиши, ўқишда пассивлашиши Л. Маҳмудовнинг «Миндал» ҳикоясидаги Шокир образида яхши ифодаланган. Асарда Шокирни ёмон йўлдан қайтаришда мактаб пионер ташкилотининг роли ҳам маълум даражада ёритилган.

Қаҳрамонлар суҳбатида Шокирнинг ёмон хулқи мактаб пионер сборида муҳокама қилинажаги эслатилади. Агар автор ушбу эслатилган масаланинг муҳокамаси процессини ҳам тасвирласа, ўқувчилар умумий йиғилишнинг танқид, ўзўзини танқид трибунаси, муҳим тарбия ўчоғи эканлиги бадиий акс этдирилар эди. Шундай актуал ҳаётий масаланинг автор диққатидан четда қолганлиги асарнинг ғоявий-бадиий қимматига бир мунча путур етказган. Шунга қарамай, бу асар ота-она ва мактаб маъмурпятининг бола тарбиясидаги ҳушёрликларини оширишга хизмат қилади.

Юқорида кўрсатилган асарларнинг ҳаммасида салбий образларга хос ёмон сифатларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда салбий образлар эволюцияси кўрсатилмаган. Қаҳрамонлар характерида ижобий хислатларнинг туғилишига асос қилиб олинган факторлар етарли эмас.

«Ленин учқуни»да босилиб чиқаётган кўпчилик ҳикояларда конфликтлар бир мунча бўш. Қарама-қарши характерлар кураши озмикўпми бор бўлса-да, шу кураш кескин тус олмай, енгил ҳал қилинади, салбий образлар осонлик билан қайта тарбияланади.

Шундай қилиб, эскилик билан янгилик ўртасидаги кескин кураш ва бу курашда янгиликнинг эскилик устидан қонуний ғалабаси мазкур асарларнинг кўпчилигида юзаки ҳал қилинган.

Маълумки, болалар адабиёти ўзига хос хусусиятларга эга. Болалар учун ёзиладиган чинакам реалистик бадиий асарларда бола тарбиясига актив ижобий таъсир кўрсата оладиган энг актуал масалалар равшан бадиий бўёқларда ёритилиши шарт. Ёшлар асарнинг ғоявий мазмунини катталар каби осонлик билан тушуниб ололмайдилар. Болалар ёзувчиси маълум идеянинг ўқувчилар онгига қулайлик билан тўла сингиши учун хизмат қила оладиган хилма-хил ажойиб бадиий прпёмларни излаб топиши ва уларни ўз асарида усталик билан қўллай олиши лозим. Ана шундай ҳақиқий бадиий асарларгина ёшларимиз характери ва эстетик завқининг шаклланиши ва тараққий этишида муҳим роль ўйнай олади.

Асар қаҳрамонларининг сўзлаш усуллари, нутқ приёмларидаги индивидуаллик характерларни аниқлашда муҳим роль ўйнайди. Бошқача қилиб айтганда, қаҳрамонлар тилини индивидуаллаш — уларнинг характерини индивидуаллашга ёрдам беради. Бадиий приёмнинг бу хусусияти «Ким шундай деб ўйлабди», «Кесилган тил» асарларида бир мунча дуруст қўлланган.

Бу асарларнинг қаҳрамонлари ўз нутқларида «Бизникилар», «Бизнинг Киевда», «Бизнинг буфетга» («Ким шундай деб ўйлабди»), «Калламни шартта кесиб ташлайман», «Қийқиртириб олиб келдим», «Ишонмайсизми» («Кесилган тил») каби сўз ва ибораларни кўп ишлатадилар. Тилдаги бу индивидуаллик баъзи персонажлар характеридаги ёлғончилик, мақтанчоқлик хусусиятларини очишга имкон берган. Аммо бундан бошқа ҳикояларда образлар тили тўла индивидуаллаштирилмаган, қаҳрамонлар нутқи авторлар нутқидан кам фарқ қилади. Авторлар жумла тузишда баъзан стилистик хатоларга, ифода ғализликларига ҳам йўл қўйганлар.

Шуни ҳам айтиш керакки, фақат «Хат» ҳикоясидагина мактаб ҳаёти маълум даражада ифодаланган, бошқа ҳамма ҳикоялар ўқувчиларнинг мактабдан ташқариги ҳаётини тасвирлашга бағишланган. Газетада мактабнинг муҳим ҳаётий масалалари акс эттирилган ҳикоялар ҳам систематик ёритиб борилиши керак.

Умуман, «Ленин учқуни»да босилган ва босилаётган ҳикояларнинг бахтиёр авлодимиз характерида янгидан-янги юксак инсоний фазилатларнинг шаклланиши ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиши муқаррар.

Баҳодир ҒУЛОМОВ,
филология фанлари кандидати.

* Давоми.